

УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

ПАРДАЕВ ТОШКЕНБОЙ РАЖАБОВИЧ

*Термиз давлат университети профессори,
тарих фанлари доктори (DSc)*



Устоз ҳақида сўз айтишнинг ўз масъулияти ва юки бор. Устоз Сайфулло Турсунов ҳақида ёзишда ҳам шу қоидага амал қилган ҳолда қўлимиздан келганича устоз фазилатларининг айрим жиҳатларини баён қилмоқчиман. Сайфулло Турсунов бу йил табаррук 70 ёшни қаршилайдилар. Устоз ана шу 70 йиллик умри давомида ҳаётда ва илмда кўп нарсаларга эришди. Ватан, эл-юрт, илм, ота-она, устоз ва шогирдлар ҳамда ўз яқинларига етарли даражада манфаат бера олди. Устоз Шеробод туманида оддий деҳқон Нарзулла бобо хонадонидан туғилганида у кишига Сайфулло исм қўйишгани ҳам бежиз эмас. Сайфуллоҳ сўзи арабчадан ўзбек тилига ўгирса, “Аллоҳнинг қиличи” деган маънони беради. Ҳадисларда таъкидланадики, “исмлар самодан туширилади ва тақдир исмларга боғлиқ бўлади” деб бекорга таъкидланган эмас. Чунки, Сайфулло Нарзуллаевич ҳам мана шу даврга қадар ҳар бир ишда илдамлик ва қиличдек кескирлик билан ҳаёт довоидан оша ўтиб келмоқда. Устоздан шогирд кўп нарсани ўрганади, устозга эргашади ва устоздек бўлишга ҳаракат қилади. Устоз Сайфулло Нарзуллаевичдаги шижоат, ўқтамлик, тиниб-тинчимаслик ҳислатлари ҳам кўпчилик орзу қиладиган фазилатлардан бири саналади. Устознинг бутун фаолияти қандайдир бир энергиянинг устида қурилгандек гўё. Устоз Сурхондарё тарихчилари орасида бугун отахон тарихчи,

тан олиб айтиш лозимки, Сурхондарё тарихи мактабининг асосчиларидан бири саналади.

Сайфулло Турсуновнинг устоз сифатидаги яна бир қойил қолиш керакки, у киши бир жойда қотиб қолишни ёмон кўради, ўзини ҳам, шогирдларини ҳам доимо ҳаракатга чорлайди. Шогирдлар сусткашлик қилса, аямайди. Бироқ, шундай бир бағрикенглиги борки, шогирдлар билан маслаҳатлашган ҳолда иш юритади. Менинг ёшим улуғ ёки менинг унвоним ва тажрибам катта деб кибрга берилмайди. Ҳатто талаба шогирди бўлсада, тўғри фикр берса, ўша фикрни қабул қилади. Бирор нарсга ёзса, албатта, битта-иккита шогирдига бериб, ўз ишини ҳам таҳрир қилдиради, ўзининг мулоҳазасини обдон эшитади. Шу сабабдандирки, устознинг кабинети доим изланувчилар, шогирдлар, яна илм йўлида бирор янгиликка қўл урган бирор китоб ёки рисола ёзган ҳаваскорлар, ижод аҳли билан гавжум бўлади.

Сайфулло Нарзуллаевич ҳар бир маслаҳат сўраб келган инсонга чин юракдан ёрдам бергиси келади. Баъзан биз шогирдлар бирор манбага ёки китобга қийналиб қолсак, ўша манбани излаб бизга етказилади. Устозда яна бир катта ўрнатма оладиган жиҳат бор, бу ҳам бўлса устознинг собит иродаси. Устоз ўз ҳаёти давомида жуда катта кураш, илм йўлидаги машаққат, турли кўролмасликлар ва иддаоларни бошдан кечирди. Устоз фан номзодлиги ва

докторлик дипломларини қаттиқ курашлар натижасида қўлга киритди. Ҳар қандай қийин шароитда ҳам устоз таслим бўлган эмас, аксинча янгича мақсадлар йўлида катта шижоат билан олдинга ва фақат олдинга ҳаракат қилади. Балки, ана шу феъли, балки устознинг эришган муваффақиятларининг калитидир. Устоз маърузалар жараёнида ҳам талабаларга қотиб қолган усулда маъруза қилмайди, аксинча, қўлида доим бирор манба, ёки бирор газета ёки журналдан кўчириб олинган иқтибос, ривоят ёки ҳикмат билан машғулот ўтади.

Сайфулло Нарзуллаевич жамоат ишларида ҳам фаол ва тиниб-тинчимас, фидойи инсондир. Устоз бир қарасангиз вилоят ҳокимияти томонидан сўралган маълумотни тўплаётган, яна бир қарасангиз эса китобхонлик кечаси ёки бирор бир маърифий иш билан банд бўлганлигининг гувоҳи бўласиз. Устознинг яна бир муҳим фазилати шуки, у кишининг муомала маданияти, Сайфулло Нарзуллаевич одамлар қадрини, ўрнига қўя олган инсон. Устоз муомалада ҳаммага ёшига, савияси ва дунёқарашига қараб муносиб муомала билан ёндашади, ҳеч қачон кибр-ҳавога берилмайди.

Устоз Сайфулло Турсунов узоқ йиллар университетда юқори лавозимларда ишлади. Жумладан, оддий ассистентликдан университет ректорлигигача бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтди. Илм йўлида ҳам ана шундай довлонларни забт этди. Бугунги кунда устоз тарих фанлари доктори, профессор, Турон фанлар академиясининг академиги.

Сайфулло Турсунов ўзининг қирқ йиллик илмий фаолияти давомида 2 та дарслик, 10 та ўқув қўлланма, 30 дан ортиқ монография, ўнлаб рисоалар 500 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалар эълон қилди.

Айниқса, Сурхондарё тарихи, Сурхондарё этнографияси ҳамда Термизий алломалар меросини ўрганиш борасида самарали ижод қилиб, маънавиятимиз хазинасини бойитишга ўзининг муносиб улушини қўша олди. Сайфулло Нарзуллаевич ҳозирги кунга қадар уч нафар тарих фанлари доктори, 40 га яқин тарих фанлари номзоди ва тарих фанлари бўйича фалсафа докторларига илмий раҳбарлик қилди.

Сайфулло Нарзуллаевич Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари ихтисослигидан очилган Илмий кенгашнинг ташаббускори ва асосчисидир. Бундан ташқари Сурхондарё вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази раҳбари, Сурхондарё: Илм ва тафаккур журналининг бош муҳаррири, Вилоят прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси Вилоят “Маҳалла” ва “Нуроний” жамғармасининг фаол мутахассиси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Сурхондарё вилояти бўлими бошлиғининг ўринбосари сифатида фаолият олиб бормоқда. Устоз ана шундай улуг ишларни амалга оширганлиги одамохунлиги, юксак маданияти ва фидойилиги туфайли қаерга борса, иззат-ҳурмат билан кутиб олинadиган мунаввар инсон саналади. Устоз ибратли оиланинг бошлиғи сифатида беш нафар ўғил-қизларнинг падари-бузруквори ҳамда ўн олти нафар невараларнинг сеvimли бобожони саналади. Устознинг фарзанд ва неваралари устозга монанд руҳда тарбияланган, эл-юрт корига ярайдиган, ўз касбининг усталари ва одамохун инсонлар бўлиб етишган.

Айниқса, устоз Сайфулло Турсунов ўзининг шу пайтгача ўтган умри давомида эришиши лозим бўлган барча марраларга эриша олган ва юксак довлонларни забт этган олим ва мураббий ҳамда фидойи инсондир.